



XALQ DEPUTATLARI NORIN TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 28 - sentabr

VI-44-118-6-83-K/22

Norin tuman hokimligi

Норин туманида Ўзбекистон Республикаси “Ochiq budget” портали орқали фуқаролар томонидан берилган таклифларга овоз бериш яқунлари бўйича ғолиб деб топилган лойиҳаларни тасдиқлаш ва маблағларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағларини сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги КҚ-213-IV-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан Халқ депутатлари Норин тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ бюджет харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш тартиби жорий этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2.“Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ Овоз бериш жараёни яқунларига кўра, 2022 йил II-босқичида ғолиб деб топилган таклифлар учун ишчи комиссия томонидан ажратилиши

белгиланган 5 711 789 (беш миллиард етти юз ўн бир миллион етти юз саксон тўққиз) минг.сўм жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган тадбирлар бўйича таклифлар I-иловага мувофиқ, ғолиб деб топилган лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан буюртмачи ташкилотларни аниқлаб манзилли рўйхат тасдиқлансин ва тегишлилиги бўйича йўналтирилсин.

3.Харажатларни амалга оширишга масъул ташкилотлар раҳбарларига:

ажратилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш;

молиялаштириш манбасини очиш учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни туман молия бўлими ва туман ғазначилик бўлинмасига тақдим этиш;

ажратилган маблағлардан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;

ажратилган мақсадли маблағларни ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисоботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра, ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига қайтариш чораларини кўрсинлар.

4.Туман ҳокимлигининг молия бўлими (Ғ.Примкулов)га бюджет харажатлар режасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман ғазначилик бўлинмаси тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

5.Норин туман ҳокимлиги ахборот хизмати ва “Норин овози” газетаси таҳририятига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларнинг молиялаштирилиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказишсин.

6.Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари зиммаларига юклатилсин.

7. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси



Ж.Нурматов

Xalq deputatlari Norin tuman Kengashining
2022 yil 28 sentabrdagi
VI-44-118-6-83-K/22-son qaroriga
1-ilova

Наманган вилояти Норин тумани бўйича 2022 йил жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш
бўйича 2-мавсум
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

№	Ҳолиб таклиф маълумотлари			Амалга оширишнинг аниқланган қиймати (минг сўмда)	Ҳақиқатда ажратилган (минг сўмда)	Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри)	Буюртмачи ташкилот
	Таклиф ID рақами	Қисқача мазмуни	Тўплаган овозлари сони				
519 "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ					5 711 789	х	х
1	0880600239	Учтепа МФЙ Дусллик кўчани асфалтлаш	7 471	1 150 000	1 150 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Норин Туман Ободонлаштириш бошқармаси
2	0880600214	43-умумтаълим мактабининг ёғоч эшикларини алмаштириш, 1010 м2 линолиумни алмаштириш, 1 та АКС 100 кўзон ўрнатиш ҳамда қозонхона томини янгилаш	7 384	980 000	980 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Норин Туман Халқ таълими бўлими
3	0880600016	Норин туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Хўжақўргонча ОШПни жорий таъмирлаш ишлари учун	6 918	990 000	990 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Норин Туман Тиббиёт бирлашмаси
4	0880600020	Туман марказий шиғоханани инверталларини янгилаш	6 372	900 000	900 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Норин Туман Тиббиёт бирлашмаси
5	0880600015	Норин туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли Марғизор ОШП биносини жорий таъмирлаш ишлари учун	6 150	990 000	990 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Норин Туман Тиббиёт бирлашмаси
Жами ажратилган маблағ					5 010 000		
Тақсимланмаган маблағ					701 789	х	х